

Индонезияда иккинчи йил ҳам ҳаж бекор қилинди



09:56 / 04.06.2021 1851

Индонезия ҳукумати коронавирус туфайли кетма-кет иккинчи йили ҳам ҳажга боришни бекор қилди. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги мамлакат дин ишлари бўйича вазирлиги баёнотига таяниб хабар беради.

«Пандемия туфайли фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳукумат бу йил ҳам ҳажга боришни бекор қилди», – дейди вазир Якут Чолил Кумас.

Қарор қабул қилинди. Саудия Арабистони ҳануз ҳаж квотасини эълон қилмади. Бу йил ҳажга бориш учун тўлов қилганлар кейинги йили Ислоннинг бешинчи арконларини адо этишади.

Манба: vakillik.uz